УМУМИЙ ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Тушунтириш хати

Дехконобод тумани “Белибойли” МФЙ Хожи Ибрагим қишлоғидаги Кичик ўра дарёси устидаги зарар кўрган пиёдалар металл кўпригини жорий таъмирлаш (60 м) ишчи лойихаси Дехконобод тумани хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармасининг 2022 йилдаги №_____сонли буюртма хатига, хамда Дехконобод тумани хокимининг 15.09.2022 йилдаги №318-4-57- Q/22 сонли, Кашкадарё вилоят хокимининг 25.08.2022 йилдаги №721-4-0-Q/22 сонли карорларига ва буюрмачи томонидан тасдикланган топширикка асосан тайёрланган.

Дехконобод туман хокимлиги Ободонлаштириш ходимлари вакиллари, махалла фукаролар вакиллари ва лойиха ташкилоти вакиллари объект жойлашган жойга бориб урганилганда 2022 йилда Кичик ўра дарёсида келган кучли сел натижасида (Кичик ўра дарёсида келган кучли сел фотосуратлари хам бор) мавжуд пиёдалар куприги бузилиб кетганлиги ва булакларга булиниб, натижада бутунлай яроксиз холга келганлиги аникланди ва бу хакида тегишли «далолатнома» расмийлаштирилиб масъуллар томонидан тасдикланди. Юқоридаги ҳолатга асосланиб ушбу жойда Дехконобод тумани хокимининг 15.09.2022 йилдаги №318-4-57- Q/22 сонли карори ва Кашкадарё вилоят хокимининг 25.08.2022 йилдаги №721-4-0-Q/22 сонли карорларига асосан янги “пиёдалар кўприги” қурилиши лозим деб топилди.

Пиёдалар кўприги қурилиши лойиҳаси учун жойида «GEO-MIR» МЧЖ ташкилоти томонидан мухандислик геология ишлари бажарилди. Батафсил муҳандислик геология ишлари ҳақида алоҳида китобга қаранг.

Лойиҳада пиёдалар кўприкни курсаткичлари қуйидагича олинди:

- кўприк узунлиги 60 пм;
- кўприк эни 1.5 пм.

Пиёдалар кўпригинг қолган барча ўлчамларини алохида чизмалардан кўриш мумкин.

Лойихада куриладиган пиёдалар кўприги дарё ўзанларини тартибга солиш ишлари берилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кўприкни соз ҳолатда сақлаб қолиш учун доимий равишда мутасадди ташкилотлар ва махалла билан биргаликда дарё ўзанини тозалаш ишларини олиб боришлари лозим.